



БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИДА ҚАДРИЯТЛИ ДИДАКТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Жалилова Нилуфар Тохир қизи

ЎзПФТИ таянч докторанти

n.jalilova@nuu.uz

+998974091013

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7989588>

ARTICLE INFO

Received: 22th May 2023

Accepted: 29th May 2023

Online: 30th May 2023

KEY WORDS

Дидактик қадрият,
дидактик қадриятли
компетентлик, принциплар,
олий таълим амалиёти,
маҳорат

ABSTRACT

Олий педагогик таълим жараёнида талабада дидактик қадриятларга асосланган компетентликни ривожлантириш, дидактик қадриятлардан таълим жараёнида фойдаланишга оид инновацион таълим методларини эгаллашга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишнинг назарий-амалий йўналишларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим талабларидан бирidir. Мақолада ушбу муаммонинг ўзига хос ечимлари таклиф этилган ҳамда илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Олий педагогик таълимнинг асосий мақсади талабада шахсий-касбий сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш, уни бўлажак педагогик фаолиятида ёш авлодни давр талабларига мос билимли, иқтидорли қилиб тарбиялай оладиган маҳоратли педагог қилиб етиштиришдан иборат. Талабаларда касбий компетентликни ривожлантиришга хизмат қиладиган дидактик қадриятларни аниқлашда шахсий-касбий компетенция, унинг таркибидаги асосий компонент сифатида дидактик компетентлик, қадриятли дидактик компетентлик, компетенциявий ёндашувга асосланган таълим, “қадриятларга асосланган инновацион фаолият” тушунчалари муҳим ўрин тутди.

Дидактик компетентлик бўлажак талабанинг ўқитувчилик фаолиятига тайёрлигини ифодаловчи асосий мезон ҳисобланиб, касбий-дидактик фаолиятга назарий ва амалий жиҳатдан тайёрликни ифодаловчи касбий компетентликнинг муҳим компонентларидан бирidir.[1]

Бўлажак ўқитувчининг дидактик қадриятли компетентлиги эса унинг бўлажак касбий-дидактик фаолиятида турли дидактик қадриятли ўқув топшириқларни ҳал этишга назарий-амалий тайёрлигини ифодаловчи интегратив касбий сифати ҳисобланади.

Талабада шахсий-касбий сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш маҳоратли педагогларни етиштириш муаммоси билан узвий боғлиқдир. Мазкур жараён ўзига хос психологик-педагогик механизмлар асосида амалга оширилиб, олий таълим жараёнида талаба ўқув-касбий компетентлигининг касбий компетентликка



конструктив трансформация усули орқали ўтишини талаб этади. Буни рус олими Л.В. Львов педагогик-психологик жиҳатдан қуйидагича изоҳлайди: “Ўқув-касбий компетентликни шакллантириш конструктив трансформация усули орқали амалга ошади. Конструкция бир вақтнинг ўзида, аммо ривожланмаган шаклда ўқув-касбий компетентлик негизларини вужудга келишини таъминлайди, трансформация эса унинг кейинги ривожланиш ҳолатини талаб даражасига етказиши. Шу тарзда ўқув-касбий фаолиятнинг касбий фаолиятга томон конструктив трансформацияси амалга ошади. Чунки касбий-ижодий фаолият юритиш учун касбий потенциал (билим, қўникма, тажриба, касбий-шахсий фазилат кабилар)ни етарлича тўлиқ амалга ошириш, ўз-ўзини шахсий-касбий такомиллаштириш зарур [2:34-42].

Л.М.Митина касбий компетентликнинг психологик моделига касбий билимлар, педагогик йўналганлик, педагогик қобилиятлар, умумий маданият ва ривожланиш, педагогик билимлар (гностик лойиҳалаш, конструктивлик, коммуникативлик, ташкилотчилик) ни киритади. [3:76]

Олимлар томонидан талаба касбий ривожланишининг қуйидаги босқичлари эътироф этилади:

- талабада касбий ниятларнинг шаклланиши;
- касбни онгли равишда танлаш;
- касбий билим, қўникма ва малакаларнинг вужудга келиши, ижтимоий касбий-шахсий сифатларнинг таркиб топиши;
- ўқув фаолияти давомида касбга мослаша бориш, касбий тажриба куртакларининг шаклланиши бошлаши, касбий фазилатларнинг вужудга кела бошлаши;
- касбий фаолиятга иждоий ёндашиш кабила [4: 336].

Юқоридагиларга асосланиб, биз дидактик қадриятлардан фойдаланишга оид касбий дидактик компетенция (дидактик қадриятли компетентлик)га эга бўлишда талабада ўқув фаолиятига нисбатан қуйидаги ёндашувлар мавжуд бўлиши зарур деб ҳисоблаймиз:

- шахсий-фаолиятли ёндашув, бунда талабанинг касбий фаолияти ва инсоний фазилатларига миллий-маънавий қадриятларнинг таъсири назарда тутилади. Талаба ўқитувчилик касбини эгаллаётган мутахассис сифатида дидактик қадриятларни билиши билан бирга, шахс сифатида маънавий қадриятларни ҳам ўзига сингдириб олиши зарур;
- функционал-фаолиятли ёндашув, талабанинг истиқболаги ўқитувчилик фаолиятида тарихий, инноватсион ва замонавий дидактик қадриятларни қўллаш орқали сифатли таълим беришга эришишида намоён бўлади. Бу талабага ўқув фаоллиги, иждоқорлик, ўз педагогик маҳорати ва ўқитувчилик қобилияти куртакларини кўрсата билиши, “ҳаёт давомида ўқиб-ўрганиш” мезони асосида ўз-ўзини тарбиялаш ва педагогик маҳоратини шакллантиришига имкон беради.

Демак, дидактик қадриятларга асосланган дидактик компетентликнинг зарур элементлари: миллий-маънавий қадриятларга асосланган шахсий фазилатларга эга бўлиш - дидактик қадриятларнинг турларини билиш - дидактик қадриятларни замонавий контекстда қўллаш билишдан иборат. Унинг инновацион-дидактик қадриятларга асосланган касбий қадриятли компетенцияси таълимни



модернизациялаш мақсадида эгаллаётган амалий қобилиятларида ўз ифодасини топади. Талабада касбий ривожланиш имкониятларнинг доимий вужудга келиши ва намоён бўлишига шароит яратиш унинг жамият, ўқув муҳити, курсдошлари билан муносабатларининг кенгайиб, чуқурлашиб боришини тақозо этади.

Демак, бўлажак ўқитувчида касбий компетентликни шакллантириш жараёнида унда дидактик қадриятларга оид билим, уни амалиётда қўллашга қаратилган кўникма ва малакаларнинг **узлуксизлик, изчиллик ва узвийлик prinsiplari асосида**, “дидактик қадрият”, “дидактик қадриятли компетентлик”, “инновацион фаолият” каби тушунчаларга асосланиб шакллантирилиши педагогик амалиёт даврида дидактик билимларнинг дидактик қадриятлар негизида ривожланишини талаб қилади. Бу талабанинг инновацион дидактик қадриятли фаолиятига тўғридан-тўғри ижобий таъсир кўрсатади. Бўлажак ўқитувчиларда дидактик қадриятли компетентликни шакллантиришда давлат таълим сиёсатида педагогик меросимизга ҳамда таълимга инновацияларни татбиқ этиш қаратилган юксак эътибор инновацияларнинг таълим сифатини оширишига максимал таъсир кўрсатиб, ўқув жараёни сифатини белгилаб беради.

Инновацион фаолиятнинг замонавий меъёрлар, муносабатлар, шакл, усул, восита ва қадриятларни жорий қилишга йўналтирилишини назарда тутиб, дидактик қадриятли компетентликни мақсадга қаратилган ҳолда шакллантиришда дидактик қадриятлар таркибини белгилаб олиш зарур (1расм).

№	Касбий таянч дидактик компетентлик	Дидактик қадриятлар таркиби
1.	Касбий қадриятли таянч дидактик компетентлик Дидактик манбалар билан ишлаш (дидактик қадриятли ахборотларни олиш ва тизимлаштириш: дидактик қадриятли	Энг қадимги даврлар: стоз-шогирд муносабатларида устоз шахсининг устуворлиги, таълимга жидду жаҳд билан ёндашиш, назария ва амалиёт бирлиги таълим принципига қатъий риоя этилганлик, экологик таълимнинг устуворлиги каби дидактик қадриятлар Илк уйғониш ва миллий уйғониш даври: панд-насихат, суҳбат, эслатма, ибрат, мунозара, муаммоли савол, маърузани ёзиб олиш ва такрорлаш, ёдда сақлаш, мустақил ишлаш, савод чиқаришда қисқа сўзларни ҳавога ёзиш усули, шеърият ва мусиқа интеграцияси усуллари; мустақил ишлаш, дарс мавзусини шеърият ва мусиқа билан стихияли интеграциялаш, таълимда амалиёт ва назария бирлиги, <i>shaxni m'naviy jihatdan rivojlantiurvchi axloqiy ilmlarning ustuvorligi, axloqiy tarbiyaning ustuvorligi, madaniyatga muvofiglik prinsipi (Форобий), индивидуал таълимга асосида боланинг лаёқатларини ўстириш, ақлини ривожлантириш, таълим-тарбия бирлиги, таълимда устоз нуфузи устуворлиги тамойиллари:</i>



	<p>ахборотлар ни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаш)</p>	<p>Хонликлар даври: мантиқий ёдлаш, сўзма-сўз ёдлаш, мунозара, панд-насихат, ибрат, суҳбат, мунозара, чистонлардан фойдаланиш, такрорлаш, мавзуни тўлиқ ўзлаштирганидан кейин баҳолаш методи кабилар;</p> <p><i>Таълимнинг амалий йўналтирилганлиги (қизлар мактабида “Ҳифзи сиҳат” ва “Тарбияи ахлоқия” илмлари орқали уй-рўзғор ишлари ҳамда саломатлик дарслари ўқитилган) ислом ақидаларидаги муқаддас ғояларни ўзгартирмаслик, диний илмни пулга сотмаслик; талабанинг билимларни эркин танлаш ҳуқуқини эътироф этиш, исломий билимлар ва тарбиянинг устувор ўринда туриши, ўқитишда осондан қийинга ўтиш, таълим-тарбия бирлиги тамойиллари кабилар:</i></p> <p>Жадидчилик даври ва шўро ҳокимиятининг илк йиллари: мақол, матал, ҳикматли сўзлардан самарали фойдаланиш, дидактик материалларни қиссадан ҳисса тарзида ғоявий-мантиқий хулосалаш, дарсликларда миллий нақшларни қўллаш, бутун сўзлар усули, усули савтия, яъни товуш усули, уядош сўзларни туркумлаш, панд-насихат, ибрат ва эслатма усули, ҳарф шакллари нарса-буюм тасвири орқали бериш усули кабилар</p> <p>миллий колорит ва миллий тарбиянинг устуворлиги, дунёвий ва диний таълим тенглиги, онглилик, кўрғазмалилик, тушунарлилик тамойиллари.</p>
2.	Когнитив дидактик компетентликлар	<p>Дидактик қадриятларга оид асосий назарий билимлар йўналиши:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Таълимга оид мавжуд илғор назарий концепцияларни билиш ва танқидий таҳлил эта олиш 2. Ўзбекистонда дидактик қадриятларнинг шаклланиши ва ривожланишини қиёсий таҳлил эта олиш
Дидактик қадриятли йўналишда эгалланиши зарур бўлган истиқболли касбий-педагогик компетенциялар		
a.	Ўқитувчилик фаолиятида тарихий ретро, янги инновацион ва замонавий технологияларни уйғунлаштирган ҳолда қўллаш	
b.	Инновацион ишланмалар яратиш ва дидактик қадриятлар асосида уларга ишлов бериш.	
c.	Дидактика фанига оид хорижий ва миллий тажрибаларни қиёсий ўрганиш ва уйғунлаштириш.	

Инновацион-дидактик қадриятларга асосланган касбий-педагогик ва таянч компетенцияларни шакллантириш компонентларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) **Касбий мотивацияларни шакллантиришга хизмат қилувчи қадриятлар.** Психологияда эҳтиёж ва мотивлар ҳар қандай мақсадли фаолиятнинг асосини ташкил этиши қайд этилади. Бунда талабада ўзида дидактик қадриятли компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришга нисбатан иштиёқ ва эҳтиёж вужудга келади. У



тарихий, инноватсион ва замонавий дидактик қадриятларнинг аҳамиятини англаган ҳолда, талабалик давриданоқ уларни ўрганишга, педагогик амалиётда қўллашга, ўз касбий-шахсий фаолиятини улар негизида такомиллаштиришга интилади. Албатта, бунинг учун ички ва ташқи омиллар уйғунликда амалга ошиши, яъни таълим жараёни ва ўқитиш тизими ҳамда воситалари мақсадли шакллантирилиши зарур; Масалан, профессор ўқитувчи дидактик қадриятлар мазмунини чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида маъруза давомида алломалар фаолиятдан мисоллар келтириши, улар фойдаланган ўқитиш усул ва воситаларидан фойдаланиши мумкин.

2) **Ўқув жараёни билан боғлиқ фаолиятли компонент.** Яъни, ўқув ҳаракатлари муайян дидактик қадриятли ориентацияга асосланади; Масалан, тарихий-педагогик детерминация концептуал принципи; Детерминация (лот. детерминатио чегаралаш, таъриф-тавсиф) ижтимоий-фалсафий, психологик-педагогик категория бўлиб, муайян бир нарса, бизнинг ишимизда таълимий ҳодисанинг илгаридан мавжуд бўлиб, ривожланиш жараёнида такомиллашиб борганлигини англатади. Бунга суқротона савол жавоб усулини мисол қилса бўлади, яъни тарихий тараққиёт босқичларида фалсафий диалоглар кўринишида акс этган усул ҳозирда таълимий методик хусусиятларга эга бўлди.

3) **Маданий-қадриятли компонент.** Қадриятларга (бизнинг тадқиқотимизда, дидактик қадриятларга) оид билимларни амалий қўллай билиш талабанинг мутахассис сифатидаги маданиятини белгилаб берувчи асос саналади.

4) **Субъектив компонент.** Талабанинг касбий-шахсий ривожланишининг асоси сифатида қабул қилинган қадриятлар тизими унинг маънавий-ахлоқий дунёқараши ва педагогик саъйи-ҳаракатлари мазмунини белгилаб беради. Дидактик қадриятларни билган ва унинг қимматини англаган талаба бўлажак педагогик фаолиятида замонавий инновацион дидактик қадриятларга асосланади. Масалан, Ал-Ғаззолий “Ихёу улумид-дин” (Дин илмларини жонлантириш) “Муршид – муаллимнинг вазифалари баёни” боби [5:231,128,136] асосида талабалар устознинг ҳаққи ва муридларнинг вазифаларини таҳлил қилиш асосида ўзларида устоз шахсига чексиз ҳурмат қадриятларини сингдирадилар.

Демак, дидактик қадриятларни қўллай билиш талаба қадриятли дидактик компетентлиги тузилмасида муҳим ўрин эгаллаши зарур.

Талабанинг дидактик қадриятни озлаштириши ва истиқболдаги педагогик фаолиятида қўллаши билан боғлиқ асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

- 1) талабанининг дидактик қадриятларни билиши ва уларнинг касбий моҳиятини англаши;
- 2) истиқболдаги педагогик фаолиятида ўз фани доирасида дидактик қадриятлардан фойдалана олиш компетенциясига эга бўлиш;
- 3) дидактик қадриятни янги ўқув шаротига мослаб янгиликлар билан бойита олиши (новаторлик даражасида).

Хулоса қилиб айтганда, талабанинг дидактик қадриятларга асосланган компетенцияси унда шаклланиб, ривожланиб бораётган касбий компетентлик таркибида ўзи истиқболда дарс берадиган ўқув предметини ўқитишда тарихий ва замонавий дидактик қадриятлардан фойдалана билишга интилишида, истиқбол



касбий дастурида дидактик қадриятларни қўллашга қаратилган кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга ҳаракат қилиши ва тобора ўзлаштира боришида намоён бўлади.

References:

1. Ж.А. Каско. Дидактическая компетентность будущего учителя как основной компонент профессиональной компетентности. Электронный ресурс. Под редакцией Т. И. Шукшиной. - Саранск, Издательство: Мордовский государственный педагогический институт имени М.Е. Евсевьева, 2018.
2. Зимняя И.А. Ключевые компетенции - новая парадигма результата образования // Высшее образование сегодня. 2003. № 3. С. 34-42.
3. Митина Л.М. Психология труда и профессионального развитие учителя: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – М.: академия, 2004. – с.76
- 4.
5. Зеер Э.Ф. Психология профессий: учебное пособие. 3-е изд., перераб., доп. М.: Академический Проект; Фонд «Мир», 2005. 336 с.
- 6.
7. Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улуми-дин. Биринчи китоб. – Т.: Ёшлар матбуоти босмаҳонаси, 2003. – 231 б. -128-136-б